

<https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1133>

TRANSFER OF ETHNOGRAPHIES IN FRENCH-UZBEK TRANSLATION DICTIONARIES

Шахобиддинова Шахло Муҳаммад кизи

ЎзМУ ўқитувчи

shakhlo.shakhobiddinova.95@mail.ru

+998900446687

Аннотация. Тадқиқот доирасида луғатларни қиёсий таҳлил қилганда энг аввало луғатларнинг тузилиши, сўзларнинг қамровлилик даражаси, луғатларда берилиш тамойиллари таҳлил қилинди ва шу билан биргаликда ўзбекча-французча миллий-маданий сўзларнинг қисқача изоҳли луғати яратилиши кераклиги хулоса қилинди.

Калит сўзлар: Луғат, миллий-маданий сўзлар, урф-одатлар, байрамлар, миллийлик.

Annotation. In the course of the comparative analysis of dictionaries, first of all, the structure of dictionaries, the level of coverage of words, the tendency to convey them in dictionaries were analyzed, as well as the Uzbek-French national-cultural language.

Keywords: Dictionary, national-cultural words, customs, holidays, nationality.

Тил ўрганишда луғатларнинг етишмаслиги бу борада қилинадиган ишлар борлигидан далолат беради. Айниқса, французча-ўзбекча таржима луғатларнинг тузилишига эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда Ўзбекистонда атиги 2 та ўзбекча-французча, 1 та французча-ўзбекча ҳамда



барча учун қулай бўлган электрон луғатлар мавжуд. Булар, Байрам Балси, Жоҳан Уҳрес, Худойкул Ибрагимов ва Улуғбек Мансуровлар ҳаммуаллифлигида ёзилган 2004 йилда Ўзбекистон нашриётида нашр этилган “Ўзбекча-французча луғат”. Иккинчи луғат эса Т.Алиқулов муаллифлигидаги “Янги ўзбекча-французча луғати” 1973 йилда чоп этилган таржима луғатидир. Навбатдаги луғат эса “Французча-ўзбекча луғат” Х.Ибрагимов, А.Мамадалиев, У.Мансуров, А.Нишонов, Э.Соатжонов ва Н.Умаровлар ҳаммуаллифлигида 2008 йилда Тошкентда нашр этилган луғатлардир. Демак, луғатларнинг сонидан ва нашр йилларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, французча-ўзбекча ва ўзбекча-французча таржима луғатлари етарли даражада эмас.

Тадқиқот доирасида луғатларни қиёсий таҳлил қилганда энг аввало луғатларнинг тузилиши, сўзларнинг қамровлилик даражаси, луғатларда берилиш тамойиллари таҳлил қилинди. Байрам Балси, Жоҳанн Уҳрес, Х.Худойқулов, У.Мансуровлар ҳамкорликда ёзилган “Янги ўзбекча-французча луғат” 13000 сўздан иборат бўлиб, унда 168 та миллий-маданий сўзлар ўз аксини топган.

Т.Алиқуловнинг “Ўзбекча-французча луғат”и 5000 га яқин сўзни қамраб олган бўлиб, унда 58 та миллий-маданий лексемани ташкил этади. Сўзларни ҳар бир луғатда берилишини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиб чиқдик. Яъни, ўзбек миллий таомлари, миллий либослар, миллий мусиқа асбоблари, миллий байрамлар, урф-одатлар ва бошқалар. Тадқиқот шу нарсани кўрсатдики, луғатшунослар ўз луғатларида миллий-маданий сўзларни беришда маълум бир қоидага асосланмаганликлари, миллий-маданий сўзларнинг таржималарини ифодалашда чалкашликларга йўл қўйганликлари аниқланди. Энди таҳлилларни кўриб чиқамиз. Масалан, У.Мансуровнинг луғатида ўзбек миллий таомларидан “атала”, “бўғирсоқ”, “дўлма”, “лағмон”, “ҳалим”, “ҳасип”, “ҳолва”, “ҳолвайтар”, “кабоб”, “кулча”, “манти”, “мастава”, “мошхўрда”, “новвот”, “палов”, “сомса”,



“сумалак”, “хоним”, “хўрда”, “шўрва”, “чучвара” кабилар киритилган. Ушбу луғатда мазкур таом номларининг французча таржимасига эътибор қаратсак,

- “сумалак” - *“plat préparé au printemps à base de farine et germe de blé”*;
- “лағмон” – *“plat de nouilles longues servies avec de la sauce, de la viande et des légumes”*;
- “новвот” – *“Sucre candi”*;
- “палов” – *“palov, plat national ouzbek à base de riz, de viande, oignon et carottes cuits au gras”*;
- “ҳасил” – *“tripes de mouton farcies de rate hachée et de riz”* ;
- “чалпак” – *“crêpe”* кабилар берилган. Аммо юқоридаги мисоллардан “чалпак” сўзининг таржимасида бироз ғализликлар кузатилди. Ушбу таомни ўзбек тилининг изоҳли луғатида берилишини кўриб чиқамиз.

ЧАЛПАК I шв. Хамирни юпқа ёйиб, ёғда пишприладиган егулик. –*Эсимдан чиқибди, - дейди кампир. – Майлига, мен ўзим ўнта чалпак пишириб, чироқ ёқаман.* М.М.Дўст, Галатепа қиссалари [1].



ҚУЙМОҚ II Тухумга ун чалиб, ёғда қовуриб тайёрланадиган овқат. *Қуймоқ пиширмоқ. – Жаннат хола шошиб, ун чалиб, қуймоқ солди.* С.Аҳмад, Уфқ. *Кичик-кичик товачаларда жизиллаб турган қуймоқ тортилди.* Ж.Абдуллахонов, Орият[2].



Мазкур изоҳ ва суратлардан сўнг “чалпак” ва “қуймоқ” бошқа-бошқа таом эканлиги аниқ бўлди. Шу боисдан “чалпак” сўзининг таржимасини “crêpe” эмас балки “Plat à base de pâte finement roulée, frite dans l’huile”[3] деб берсак ўринли ҳисобланади.

Т. Алиқуловнинг луғатида “чучвара”, “шўрва”, “хўрда”, “сомса”, “палов”, “новвот”, “лағмон”, “қулча”, “кабоб”, “ҳолва”, “дўлма” кабилар киритилган. Бу таомларнинг французча таржимаси қуйидагича ёритилган:

- “лағмон” – “*Laghman (mets, plat)*”, “новвот” – “*Sucre candi*”,
- “палов” – “*Pilaf, pilau, pilaw*” тарзда берилган бўлиб, “ҳасин” сўзи эса киритилмаган.

Х.Ибрагимовнинг луғатида “айрон”, “ҳалим”, “ҳасин”, “кабоб”, “бўғирсоқ”, “палов”, “сомса”, “шўрва” миллий таомлари берилган. Уларнинг таржимаси қуйидагича:

- “айрон” – “*Babeurre*” ;
- “ҳалим” – “*galantine*”;
- “ҳасин” – “*andouillette*” берилганиган. Аммо “лағмон” сўзи таржимаси луғатда акс этмаган.

“Халим” сўзи таржимаси умуман бошқа таом бўлиб чиқди. Яъни, *GALANTINE* est une spécialité en [charcuterie](#), composée de morceaux de viande blanche (porc, veau, volaille, gibier) entourant un mélange de farce et de [salpicon](#), cuite en [gelée](#)”[4].



ҲАЛИМ II [а. Ёпишқоқ, елимшак] 1 Сувга буғдой ёрмаси ва гўшт солиб, узоқ (хил-хил бўлиб кетгунча) қайнатиб пишириладиган қуюқ овқат. – Ҳазратойимнинг даҳалари бўлди. Чунонам басавлат, чунонам гавжум бўлдики, дошқозонда ҳалим улашдилар, - деди Анзират. А.Мухтор, Опа-сингиллар. – пишган ҳалимнинг буғдойи эзилиб, гўшти хил-хил бўлиб кетади. К.Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.[5]



Т.Алиқулов ва Х.Ибрагимовларнинг луғатларида “сумалак” сўзи миллий таом тарзида эмас, балки қорнинг эриб оқиб, қайта музлаши

натижасида ҳосил бўладиган найсимон муз[б] яъни “*glacçon*” таржимаси берилган.

Ўзбек миллий таомлари кўриб чиқилгандан кейин миллий чолғу асбоблар бўлимига мурожаат қилинди. У.Мансуровнинг луғатида “*ғижжак*”, “*чанг*”, “*сурнай*”, “*сибизға*”, “*сетор*”, “*қўшна*”, “*қўбиз*” кабилар киритилганлиги маълум бўлди. Улар бирма-бир таҳлил қилинганда,

- “**ғижжак**” – “*mus instrument à cordes frottées, violon*”,
- “**чанг**” – “*instrument m de musique composé de cordes frappées avec des baguettes*”,
- “**сурнай**” – “*espèce de bombarde*”,
- “**сибизға**” – “*Flûte traversière*” тарзида аниқ, қисқа ва лўнда таржима ва изоҳ берилган.

Т.Аликуловнинг луғатида “*сурнай*”, “*ғижжак*”, “*чанг*” кабилар киритилган холос. Мазкур сўзларнинг французча таржимасига эътибор қаратилганда,

- “**сурнай**” – “*Zourna (instrument à vent répondu en Orient)*”,
- “**чанг**” – “*Symbale*” кўринишида берилган.

Хулоса қилиб айтганда, изоҳли, икки тилли ёки кўп тилли таржима луғатларни тузишда, имкон қадар маданий сўзлар миқдорини ошириш, изоҳларни аниқ аспектларга асосланган каби бир қатор масалаларига катта эътибор бериш лозим. Шундагина асарларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда китобхонда ноаниқлик, тушунмаслик каби ҳолатлар учрамайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎТИЛ. Ч харфи. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, Давлат Илмий нашриёти. 2006. – Б.451.
2. ЎТИЛ. Қ харфи. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, Давлат Илмий нашриёти. 2006. – Б.367.



3. Ширинова Р.Ҳ. Ўзбек миллий-маданий сўзларнинг ўзбекча-французча изоҳли-визуал луғат. –Тошкент, 2016. – Б.59.

4. fr.wikipedia.org/wiki/Galantine

5. ЎТИЛ. Ҳ ҳарфи. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, Давлат Илмий нашриёти. 2006. –Б.492-493

6. ЎТИЛ. Иккинчи жилд. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, Давлат Илмий нашриёти. 2006. –Б.54

